


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56-57 (11.367 - 11.368)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар



КЎКЛАМОЙ ИФОРЛАРИ



Юртимизда баҳор... Хуш келдинг, барака айёми! Кутлуғ қадамидан, эртанги риздан нишона ёмғирингдан чор атроф яшнаётир. Бойчечак - Наврўздан дарак. Кўкларнинг борлиқда тўшаган яшил гилами - янги кунга поёндоз. Поёндознинг гўзаллиги кўнгилларга кўчмоқда, қалбларни уйғотмоқда. Кушларнинг чуғур-чуғури дилларни яйратапти. Инсонни эзгуликка ундаётган, бунёдкорликка чорлаётган, меҳр-оқибат туйғуларини жўш урдираётган баҳорга етказганига, озод ва обод Ватанини ато этганига шукр. Элу юртимиз кундан кунга чирой очмоқда, ривож топмоқда. Ниғомимиз - айна жозибанинг, тарватнинг ошиғи. Донолар билиб мақол айтмиш: гўзал қуриш - кўзга савоб. Савобдан бенасиб қилмасин. Истиқлолнинг ўн саккизинчи баҳори, мустақилликнинг ўн саккизинчи Наврўзи муборак!

Баҳор бошланиши, Наврўз келиши билан, аввало, кайфият кўтарилди, қалбларга қувонч ва шодлик инди. Кўклар ташрифидан руҳланиб, ободлаштириш ва кўклар мазорлаштириш ишларини ўтказиш яхши айнанага айланган. Ҳашар - элга ярашар, деб бежиз айтилмаган. Яшариш ва янгиликни айёми арафасида кўча-кўй, ҳовли-жой супуриб-сидирилди, ариқ-зовурлар тозаланди. Мактаб ва маҳаллалар атрофида янги гулзорлар, боғлар барпо этилиб, шаҳару кишлоқларимизга, хонадонларимизга саришталик, файзу барака кирмоқда. Ҳашарда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат сингари фазилатлар яна бир қарра намоеён бўлди. Хусусан, ўзгалар кўмағига муҳтож, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш, беморлар ҳолидан хабар олиш элимизнинг касалини табиб эмас, ҳабиб тузатар, деган авазли одатидир.

Катта-катта китобларни бир тилдан иккинчисига ўйрган мутахассислардан сўрадим: Ҳашар ўзга тилларга қандай таржима қилинади? Жавоб йўқ. Демак, бундай ташуна, шундай тадбирнинг ўзи ҳам бошқаларда йўқ. Маънавиятли, муруватли халқимизнинг ўзига ҳослигидан кўймасин.

Халқда шундай нақл бор: олам кўз учун, қулук сўз учун. Дунёни кўргандаги таассуротларимдан қулқингизга айтгай. Гар шу ёруғ оламни бир боғга қийсласак, ундаги энг қўрқам даракт ўзбекистон. Ёхуд жаҳонни бўстонга ўхшатсангиз, энг ифорли гулзори ўзбекистон. Ер юзидан қанча халқ бўлса, энг самимийси, сабрлиси, меҳмондўсти, азму шижоати қатъий, салоҳияти юксакги ўзбек халқи. Тўрт фасли тугал, замини зар, суви гавҳар юрт яна қайда бор? Дунё тамаддунига муносиб улус қўшган улуг аждодларимиз доғруғи ҳеч қимдан кам бўлмаган барқамол авлод - жонажон ўзбекистонимизнинг буюк келажаги тимсолида қайта тикланди ва янада шухрат қозонмоқда.

Нуктадон элимизнинг ҳар қандай тадбир, воқеа-ҳодиса, муайян жараёни лўнда, аниқ-тиниқ ифодалайдиган мақоллари бисёр. Биргина мисол: ўзбегимнинг меҳмондўстлигини етти иқлим тан олгани рост. Айна баҳор оstonасида халқимиз яна азиз меҳмонларни қарши олди. Юртимизга давлат раҳбари бошчилигида туркман қардошларимиз ташриф бурди. Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туриши баракага яхши маълум. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб, тўй-томшаларида меҳмон бўлиб катнашиб келди. «Туркистон» саройида икки халқ санъаткорлари иштирокида намойиш қилинган қўшма концерт буни яна бир бор намоеён этди. Қалбдаги муштаракликни, санъатдаги яқинлиқни мумтоз музика жўрлигида изҳор этди. Аввалгилар билиб нақл қилимиш - дўстинга қўшиқ айт, меҳрингни қўшиб айт!

Ифорли бўйларини таратиб кўкларимнинг келиши бободоҳонга ишора. Эрта баҳордаги ҳар бир тадбир эртанги насибанинг омили. Беназир аждодларимиз ҳам айна Наврўз палласида қўш хайдаб, уруғ селган. Эзгу ниётлар қилган. Яратган ризқимизни мўл қилишни ўз ҳаракатида деб билган. Деҳон ишлаб дон сочар, элга ризқ йўлини очар, деган ҳикматнинг мағзини чаққан. Ҳозир заҳматқаш деҳқонларимиз ерга уруғ сочишни бошлаган пайт. Шу кунларда ёғаётган ёмғир ҳам ризқимизни мўл, насибамизни зиёда қилса не ажаб. Баҳоринг, Наврўз айёмигиз муборак бўлсин, жонажон элим, бетакрор юртим!

Озод РАЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг йиғилиши «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясида бўлиб ўтди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўздонмахсулот» АК тизими қорхоналаридаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.
- Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Ташаббус-2009» кўрик-танловининг якуний минтақавий босқичи бўлиб ўтди.
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Халқаро почта» филиалида тизимдаги вилоят филиалларига 20 та кўчма почта алоқа бўлимларини топшириш маросими ўтказилди. «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида топширилган кўчма почта алоқа бўлимлари республиканинг бориш қийин бўлган чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига замонавий почта хизматларини кўрсатади.
- Ўзбекистон Фанлар академиясида «Табиий бирикмалар қимёсининг долзарб муаммолари» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Академик Собир Юнусов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда маҳаллий ва хорижий соҳа олимлари, кишлоқ хўжалиги, тиббиёт, саноат ходимлари иштирок этди.
- Япония ҳукумати Орולי қўтқариш Халқаро жамғармасига 66 344 АҚШ доллари миқдорига грант ажратди. «Орол дегизи ҳудудида химоя ўрмонларини ташкил этиш учун кишлоқ хўжалик ускуналари билан таъминлаш» лойиҳасини таъбиқ этишга қаратилган грант-шартномаси Тошкентда имзоланди.
- Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида «Нуқусни янада гўзал қиламиз» шиори остида Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари кетмоқда. Таъкидлаш жоизки, байрам арафасида Нукус шаҳрида иккита супермаркет фойдаланишга топширилди, Тошкент Аҳборот технологиялари университетининг Нукус филиали ўз эшикларини очди. Пойтахт марказида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносининг қурилиши ниҳоясига етмоқда.
- Кеча Ўзбекистон Банклари ассоциациясида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қарорига кўра «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг эндиликда очик акциядорлик тижорат банк сифатида фаолият юритиши белгилаб олинди.

ЖАҲОНДА

- Россия ҳукумати иқтисодий инкироз туфайли 2009 йилнинг янги йилнинг бюджетни лойиҳасини маъқуллади ва у қўриб чиқиш учун Давлат думасига топширилди.
- Хитой, Хиндистон, Жанубий Корея ва Жанубий Африка Республикаси Россиянинг захира валютаси сифатида доллардан воз кечиб, бутунлай янги валютага ўтиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Ушбу масала «Катта йигирматалик» мамлакатларининг апрель саммитида ҳам қўриб чиқилди.
- Бир-бири билан муносабатлари ёмон аҳволда бўлган Фаластиннинг ФАТҲ ва ХА-МАС фракциялари ўртасида Миср воситачилигида Қоҳира шаҳрида ўтказилган музокара-лар ҳеч қандай натижасиз ақунланди.
- Афғонистон парламенти қуйи палатасининг депутаты Шахела Аата бўлғуси президент сайловларида давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини қўйган дастлабки аёл бўлди.
- Кеча Адан кўрфазидида Сомали қароқчилари томонидан бортида 24 нафар экипаж аъзоси бўлган Греция кемаси қўлга олинди.
- Жаҳон биржаларида ўтказилаётган савдоларда нефть нархининг кундан кунга ошиб бориши кузатиломқда. Жумладан, кеча Лондонда ўтказилган биржа савдоларида 1 баррел нефтнинг нархи 50,67 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркдаги савдоларда бу кўрсаткич 51,61 доллардан иборат бўлди.
- Кеча АҚШнинг «Дискавери» космик кемаси астронавтилари коинотда Халқаро космик станцияга 16 тонналик қуёш батареяларини ўрнатиш ишларини бошладилар. «Дискавери»нинг 7 кишидан иборат экипаж аъзолари Ерга 28 мартда қайтади.
- «Колумбия инқилоби ҳарбий кучлари» жинойи гуруҳи гаровга олинган Швеция фуқароси Эрик Роланд Ларссонни озод этди. Ҳозирча Ларссоннинг қандай шарт эвазига қўйиб юборилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Таъкидлаш керакики, Колумбия ҳукумати мазкур жинойи тўдага қарши 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён курашиб келмоқда. Турли маълумотларга кўра, айна пайтда босқинчилар 700 нафарга яқин одамни гаровда ушлаб турибди.

П.МОРВИЖ: «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ТАРАҚҚИЁТНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА»

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ЖАҲОН МОЛИАВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» КИТОБИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИШБИЛАРМОН ВА ЖАМОАТЧИЛИК ДОИРАЛАРИ, ОАВ ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА.

Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримовнинг китобига америкалик таниқли олим, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори, Нью-Йорк давлат университети профессори доктор П.Морвижнинг шарҳи олинди.

«Ўзига хос «глобал кишлоқ»ка айланган дунёнинг кўпбал мамлакатлари иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримов раҳбарлигидаги иқтисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди, — дейди олим. — МДХнинг айрим давлатлари сингари дунёдаги энг йирик нефть экспортчиларидан бири бўлмаган Ўзбекистон, сўнги беш йил ичда, ялли ички маҳсулотнинг 7,8 ва ҳатто 9 фоизгача ўсишига эришди. 2008 йилда Ўзбекистоннинг ялли ички маҳсулоти ўсиб, 109 фоизни ташкил этди. Энг муҳими шундаки, Ўзбекистон саноатидаги ўсиш 112,7 фоизни, жумладан, истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги ўсиш 117,7 фоизга етди. Бу натижаларга дунёнинг кўпбал ривожланган мамлакатларида деиндустриализация ҳавфи ҳамда глобал инкирознинг жадал ўсиб бораётган Осие мамлакатларига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири атрофидаги баҳс-мунозаралар авж олиб бораётган бир шароитда эришилди.

П.Морвиж иккита асосий иқтисодий кўрсаткичга алоҳида тўхталиб, унинг фикрича, айнан улар Ўзбекистонга глобал иқтисодий инкироз таъсиридан анчайин енгил қутулиш имкони-ни беради:


— Биринчидан, — дейди олим, — Ўзбекистон ташқи миллий қарз билан ялли ички маҳсулот (ЯИМ) ўртасидаги мутаносиблик бўйича дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бирига эга бўлиб, у кўрсаткич мамлакат миллий иқтисодийнинг ўтган йилги ҳажмига нисбатан 13,3 фоизни ташкил этган. Мазкур рақам Ўзбекистоннинг умумий қарзини, яъни нафақат давлат, балки Ўзбекистон банклари, корпорациялари ва бошқа хўжалик юртувчи субъектларининг қарзларини ҳам қамраб олади. Бошқа МДХ мамлакатларининг ташқи қарзлари тўғрисидаги маълумотларга назар соладиган бўлсак, улар нақадар оғир аҳволда қолгани аён бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Кўзга сатрларда


- БУГУН Ҳамза туманидаги Кўзи ожизлар мактаб-интернатида янгиликни, яшариш айёми Наврўзи оламга бағишлаб ўтказилган тадбир туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.
- НАВРЎЗ айёми арафасида Тошкент темирйўлчилар касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- ҲАМЗА туманидаги 69-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Наврўз айёми муносабати билан «Шоҳона таомлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.
- ЎТГАН кунни Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ташаббуси билан мутахассислар иштирокида уюштирилган матбуот анжумани Бутунжаҳон сув кўнига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аҳборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Кутловлар

Цугому ХИРАОКА,
Япониянинг Ўзбекистондаги
Фавкуллода ва
Мухтор элчиси:



— Ўзбекистон халқини Япония ҳукумати ва халқи номидан Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман. Ўзбек халқи учун ардоқли бўлган Наврўз айёмини бирга қутиб олиш мен учун катта бахт. Дарҳақиқат, гулга бурканиб, қуртак очаётган ям-яшиллик ифори инсонга хурсандчилик, кўтаринки кайфият, қуч-қувват ато этади. Бу — нақадар лаззатли дамлар!

Бугунги кунга келиб Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ришталари сиёсат, иқтисодиёт, таълим ва маданият каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Шу кутлуг кунларда ушбу муносабатларимиз авваламбор мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларимиз янада мустақамланишида кўпrik бўлиб хизмат қилишини тилаб қоламан.

Вазир СЕРАЗЕВ,
Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги
Муваққат ишлар вакили:

— Кадрли дўстлар!
Авваламбор ўзбек халқи билан бирга янгиланиш ва бирдамлик рамзи — Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин.

Давлатларимиз ўртасидаги ришталар ҳар йили ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг янада фаоллашувиغا йўналтирилган янги-янги қирралар орқали ривожланиб бормоқда. Жорий йил ҳам Ўзбекистон Республикасига Россия Федерациясининг президенти Д.А.Медведевнинг давлат ташири билан бошланди. Икки мамлакат раҳбарларининг Самарқанд ва Тошкентдаги учрашуви ва мулоқотлари Россия — Ўзбекистон алоқаларининг тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, икки томон манфаатини ҳисобга олиш каби устувор тамойиллар асосида раванқ топаётганлигини амалдаги яна бир тасдиғи бўлди. Россия ва Ўзбекистон раҳбарлари жаҳон сиёсатининг асосий масалалари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазият бўйича нуктаи назарлари ўхшаш ёки яқин эканлигини билдириб, юқори даражадаги мулоқотларни қучайтиришга, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, илим-фан, маданий-инсонпарварлик ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни қучураштиришга интилиш юзасидан ҳам ҳамфикрликка эришилганини айтиб ўтдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси 2008 йилда 3,8 миллиард доллардан зиёд бўлиб, республика товар айирбошлов ҳажмининг 20 фоизини ташкил этди. Турли бизнес соҳалари вакиллари ўртасидаги алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Россия компаниялари томонидан Ўзбекистоннинг ёқилги-энергетика мажмуаси, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси, авиасозлик, қурилиш, фармацевтика, бошқа йўналишлар бўйича ийрик сармоявий лойиҳаларни татбиқ этиб келинмоқда. Савдо ва инвестиция алоқаларини кенгайтиришга қаратилган тадбирларнинг мунтазамлиги таъминланмоқда. Жумладан, бизнес-форумлар, инвестицион анжуманлар, Россия ва Ўзбекистон минтақалари ишбилармонлари миссияси амлашуви кенг туз олган. Чўноқчи, 2008 йил декабрь ойида Ўзбекистонга Олтой воҳаси ва Свердловск вилояти ишбилармон донорлари ташири бўюди. У навбатига, ўзбекистонлик мутахассислар жорий йилнинг февраль ойида Олтой воҳасига жавоб таширини амалга оширдилар. Айни пайтда Ўзбекистонга Санкт-Петербург ва Тюмень вилояти тадбиркорларининг таширлари қутилмоқда. Россиянинг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонаси томонидан Савдо-саноат палатаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимияти билан ҳамкорликда ушбу ҳудудда Россия — Ўзбекистон иқтисодий форумини ўтказиш масаласи қўриб чиқилмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда Россотрудничество ваколатхонаси ҳамда Республика Рус маданий маркази томонидан элчихона кўмағида Н.В.Гоголь таваллудининг 200 йиллиги ва Ю.А.Гагариннинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик олиб борилмоқда. Санкт-Петербургда ўтказиладиган «Балтийский дом» театр фестивалида Ўзбекистон Ёшлар театрининг қатнашиши режалаштирилган. Яқин ойлarda рус тили ва адабиёти ўқитувчилари учун семинарлар белгиланган, голибга Россия олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имконини берувчи «Мир русского слова» танловининг якуний босқичи ҳам ўтади. Бир тўплам рус тилидаги ўқув китоблари, болаларга мўлжалланган ва бадиий адабиётларни Республика Болалар кутубхонаси ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасига топшириш ниятидадир.

Юқорида қайд этилганлар — мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ишларимизнинг фақат бир қисми, холос. Ишончли қомилки, бу борадаги сайё-ҳаракатларимиз Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаати йўлида бардавом бўлиб қолади.

Россия Федерацияси элчихонаси жамоаси номидан барчангизни Наврўз — янгиликни, меҳр-оқибат байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бу нурафон кунда яна бир бор бахорий кайфият, соғлиқ-омонлик, бахт-саодат, орзу-умидларингиз ушвалишини тилаб қоламиз.

Роберт КОПЕЦКИ,
Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

Хурматли «Оқшом» газетхонлари!
Қисқа вақт ичида сизлар билан иккинчи мартаба учрашиб, айни пайтда янгиланиш ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам билан табриқлаб, самимий тилақлар билдиришга имкон бўлаётганидан бениҳоят хурсандман.

Шундай имконият мен учун ўтган йилнинг сўнги дамларида ҳам очилганди ва ўшанда ҳам «Оқшом» газеталари орқали илк марта сизнинг гўзал мамлакатингиз ҳақида дил изҳорларимни Янги йил табриғи сифатида билдиргандим.

Қисқа вақт ичида мен ўзбек халқининг турмуш тарзини бироз бўлсада ўрганишга ҳаракат қилдим ва сизнинг ўзига хос урф-одатларингиз, аъёнларингиз, қадр-қимматини англаб етдим дея оламан. Айниқса беш минг йилдан зиёд тарихга эга Наврўз аъёнлари эъзозланиб келинаётганидан хайратландим. Бу — ўзбек халқининг тарихи жуда қучур ва мустаҳкам эканлигиндан далолат беради.

Тилагим — ҳар бирингиз Наврўзи албатта оилангиз даврасида қаршилган. Кейинги айём кунларини қариндош-уруғларингиз, дўсту биродарларингиз билан ўтказинг. Ва хайрли аъёнларингизга қўра — битта бўлса ҳам мевали дарахт қўчатини ўтказиб, она-заминдан қуч-қувват олинг. Шундай қувватки, келгуси фарахбахш кунларгача мустаҳкам соғлом бўлишингизга хизмат қилсин.

Себастиан ОЖЕЛ,
Польша Республикасининг Ўзбекистондаги
элчихонаси раҳбари вазифасини бажарувчи:

— Польша Республикасининг элчихонаси жамоаси Ўзбекистон халқини янгиланиш, юксалиш ва меҳр-саҳават байрами — Наврўз айёми билан муборакбод этади. Барчангизга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ-омонлик, касби-корларингизда амал ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Польшанинг Марказий Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкори ҳисобланади. Жорий йилда ҳам ўзаро манфаатли муносабатларимиз янада ривож топиб, мамлакатларимиз, халқларимиз истиқболи йўлида хизмат қилаверсин.

Наврўз табиатнинг энг гўзал инъомларидан бахраманд бўлишга ва шу тариха қуч-қувват олишга ундайди. Шундай экан, Наврўз ҳаммамизга қўтлуг бўлсин!

«Жаҳон» А.А.

ЯНА ҚАЙТДИ ЛАЙЛАКЛАР

...Тун пардасини чок-чокидан сўккан момақалдирик гўё зулмат устидан ҳокимлик қилмоқчидек оламга ёруғлик сочади. Шаррос ёмғир қуяди. Туни билан чаңг-губорлардан тозаланган олам янада гўзаллашгандек. Саррин тонг ели майсалар ифорини олиб келади. Маҳнунтолнинг митти япроқларида томчилар шуълаланади.

Кўклам ёмғири руҳни поклайди. Табиат — кўзгу, инсон унда ўзини кўради, дейди донишлар. Бундай фарахбахш кезларда киши қайта туғилгандек, яшаргандек ҳис этади ўзини.

Баҳорнинг илк нафасиданоқ яшилликка бурканган, яшнаб-яшариб бораётган юртимизнинг фусункор табиатида, асрлар билан сирлашган кўҳна обидаларимиз, само билан бўйлашган замонавий биноларимиз малоҳатида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бешовён далаларимиз тароватида, кексаёё ёш юртдошларимиз ҳаловатида янги кун қувончи, шукронаси номён.

Байрамона безатилган муаззам пойтахтимизнинг Бош майдони рўпарасида алвон рангли матолардан асалиб, турфа чироклар билан жилланган рамзий лайлак уяси ва хотиржам турган оппоқ лайлакни кўриб, кўнгли ёришади кишининг, вужудига

осойишталик туйғулари югуради.

Лайлақлар сахарда келадилар. Тангрининг бу мўъжизавий қуши эркинликни яхши кўради, самоларда озод парвоз этишини, озод ва обод манзилларда макон тутишини, поллопонларини осойишта юрда парвариллашни ёқтиради. Лайлак — эзгулик қуши. У табиатнинг боқийлиги, баҳор, яшариш, улғайиш, саодат тимсоли.

Мустақил мамлакатимизнинг Мустақиллик майдонида, Эзгулик арки узара лайлақлар қад ростлаб турибди. Эзгу ниятларимиздек, орзу-умидларимиздек, эртанги кунимиздек оппоқ лайлақлар. Улар қаерни макон тутса, ўша жойда файзу барақа, хотиржамлик, бахт-саодат боқий бўлади.

Боболаримизнинг айтишича, атрофда ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигига ишонган лайлак бир оёқда турар экан. Эзгулик арки устида, бир оёқда турган лайлақлар шу дарвоза остидан ўтаётган ҳар бир ватандошимиз қалбига хотиржамлик бахш этаётгандек. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, тўқин-сочинликни, қут-баракани кўз-кўз этаётгандек гўё.

Эзгулик аркида тилақлар оппоқ,
Бахтга элтгучи йўлақлар оппоқ.


Турналар чарх увар бошимиз узра,
Саодат қушлари — лайлақлар оппоқ.
Лайлақлар азодан хуриқ тимсоли,
Лайлақлар макони хатардан холи.
Юртим осмонда парвоз этарлар,
Элиниг пок орзуси, бахти мисоли.

Лайлак мўътабар қуш саналгани учун ҳам халқимизда унга озор етказиш, инини бузиш, поллопонларини нобуд қилиш гуноҳ саналади.

Халқимиз аъёнасига кўра, кўкламнинг қут-баракали келиши лайлақларнинг эрта баҳорда учиб келишига қараб аниқланган. Йил бошида боболаримиз табиатдаги турли белги ва аломатларга қараб ҳосил чўғини чамалаганлар. Эрта кўкламда биринчи бор лайлакни кўрган дехон ердан бир сиким тупроқ олиб қафтига ёйиб кўрган. Агар тупроқ ичида майса илдизлари бўлса, бу ҳосилдорлик белгиси ҳисобланган.

Лайлақлар сахарда учиб келадилар. Худди ширин мужда каби оппоқ лайлақлар. Улар юртимизга кўклам нафасини келтирадилар. Бахт ва сурур, поклик ва ёшлиқ олиб келадилар қанотларида. Юртимизда Наврўз нашидаси кезиб юрган, кўклам ўз кўркини кўз-кўз этаётган шу кунларда лайлақлар ўзларининг қадрдон маконларига — Ўзбекистонга қайтдилар.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎЗА шарҳловчиси



...Тун пардасини чок-чокидан сўккан момақалдирик гўё зулмат устидан ҳокимлик қилмоқчидек оламга ёруғлик сочади. Шаррос ёмғир қуяди. Туни билан чаңг-губорлардан тозаланган олам янада гўзаллашгандек. Саррин тонг ели майсалар ифорини олиб келади. Маҳнунтолнинг митти япроқларида томчилар шуълаланади.

Кўклам ёмғири руҳни поклайди. Табиат — кўзгу, инсон унда ўзини кўради, дейди донишлар. Бундай фарахбахш кезларда киши қайта туғилгандек, яшаргандек ҳис этади ўзини.

Баҳорнинг илк нафасиданоқ яшилликка бурканган, яшнаб-яшариб бораётган юртимизнинг фусункор табиатида, асрлар билан сирлашган кўҳна обидаларимиз, само билан бўйлашган замонавий биноларимиз малоҳатида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бешовён далаларимиз тароватида, кексаёё ёш юртдошларимиз ҳаловатида янги кун қувончи, шукронаси номён.

Байрамона безатилган муаззам пойтахтимизнинг Бош майдони рўпарасида алвон рангли матолардан асалиб, турфа чироклар билан жилланган рамзий лайлак уяси ва хотиржам турган оппоқ лайлакни кўриб, кўнгли ёришади кишининг, вужудига

Наврўз мушоираси

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ИФТИХОР

Мустақил Ўзбек элим, наврўзларингдан ўргилай,
Муҳташам оқшомларинг, кундузларингдан ўргилай.

Кўчаю майдон тўлиб яйрайди гур-гур ёшларинг,
Мард йигитлар, шўх гўзал гулзуларингдан ўргилай.

Офтоб бошинг силаб, юз шуъла ёймиш навбахор,
Байроғингда ой ша юлдузларингдан ўргилай.

Дилга ёғдулар солиб, оҳанрабо куйлар учар,
Яллаю шўх «Дилхирож», «Феруз»ларингдан ўргилай.

Эй, гўзал, олий Ватан, шонинг балинд олам аро,
Эзгу бахт шайдоси бўлган кўзларингдан ўргилай.

ХУШ КЕЛДИНГ НАВРЎЗИ!

Фасларнинг ёш келинчаги,
Эзгуликнинг зар беланчаги.
Истиқлолнинг гули, чечаги,
Хуш келдинг, эй, Наврўзи Олам!

Дош қозонга ўт, олов ёқиб,
Сумалакка дилга хуш ёқиб,
Чаккамизга бинафша тақиб,
Хуш келдинг, эй, Наврўзи Олам!

Сен келганда яшарар дунё,
Қорлар эриб, тошар сув, дарё.
Офтоб сочар ёрқин нур, зиё,
Хуш келдинг, эй, Наврўзи Олам!

Кўк сомсалар ёшлар яна,
Ҳар гўшада тўю тантанана.
Этар давом қадим аъёна,
Хуш келдинг, эй, Наврўзи Олам!

Гулла-яшна тинчлик баҳори,
Элар аро дўстлик наҳори.
Искандарнинг юзи виқори
Хуш келдинг, эй, Наврўзи Олам!

Искандар РАҲМОН

П.МОРВИЖ:

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМИЁНИ ВА ТАРАҚҚИЁТНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА»

(Давоми.Боши 1-бетда).

Иккинчидан, ташқи савдо айланмасидаги профицит ҳажми. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо операцияларидаги ижобий сальдо 4 миллиард доллардан ошиб, бу мамлакат валюта захираларининг тўпланиши ва тез суръатда ўсишига хизмат қилди. 2008 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошган бўлса, товар ва хизматлар экспортидаги ўсиш 28,7 фоизни ташкил этди. Бу умидлантирадиган омил бўлиб, экспорт доимо ҳар қандай мамлакат, айниқса, аҳолиси кўп бўлган мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

П.Морвиж, шунингдек, макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкам асосларини яратиш, иқтисодий тараққиётнинг диққатга сазовор кўрсаткичларига эришиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этган икки ҳал қилувчи омил хусусида гапириб, улар — мамлакатнинг 1995 йилда дон мустақиллигига, 1997 йилда эса энергетика мустақиллигига эришганидан иборат эканини айтади.

Америкалик экспертнинг таскидлашича, Ўзбекистон ўзини озиқ-овқат ва энергия билан тўлиқ таъминлай оладиган давлатдир. «Мамлакатда ҳар йили 6 миллион тоннадан зиёд галла етиштирилади, — дейди у. — Марказий, Осиё мамлакатлари ва бошқа минтақалар давлатлари ички ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда қорамол сонининг камайиб бориши муаммоси билан тўқнаш келиб, вазият глобал озиқ-овқат ва энергетика инқирози таъсири остида янада жиддий тус олаётган бир шароитда ушбу фактни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас».

П.Морвижнинг фикрича, Ўзбекистон нафақат иқтисодий ўсиши, балки мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг мунтазам юксалиб бораётгани учун ҳам олқишлагга муносиб. Шу маънода, у маъмур мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон раҳбарияти ўз сайё-ҳаракатларини икки йўналиш бўйича амалга ошираётганига эътибор қаратади.

— Биринчиси — бу инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда миллий бирдамлик ва диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш йўлидаги иқтисодий тараққиёт. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлаш соҳаларини тақомиллаштирган ҳолда, шунингдек, ўрта мактаб, касб-хунар коллежлари, тадиқот институтлари ва университетлари даражасида миллий ўқув муассасаларининг яхлит тизимини яратиш борасида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Иккинчи йўналиш — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг минтақада сиёсий ва иқтисодий уйғунликка эришиш мақсадида йўналтирилган ташқи сиёсатидир. Ўз раҳбариятининг сайё-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон бугунги кунда кучли ва мутаносиблашган иқтисодиётга эга бўлган том маънодаги мустақил давлатдир.

П.Морвиж дунё миллатларини «нотинч денгизда (иқтисодий ва экологик муаммолар орасида) бир кемада сузиб бораётган денгизчилар»га қиёслайди. У, АҚШ Ўзбекистон билан амалий ҳамкорликни ривожлантириши лозим, деб ҳисоблайди. Бунинг учун, олимнинг фикрича, камида иккита сабаб мавжуд:

— Биринчидан, Марказий Осиё минтақаси Афғонистон, ХХР, Яқин Шарқдаги мусулмон давлатлари ҳамда Хиндистонга элтувчи дарвозадир, — дейди олим. — Шу маънода, биз Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини Марказий Осиёни ривожлантириш ва уни ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлайдиган минтақа даражасига олиб чиқиш йўлидаги модель сифатида ўрганиб чиқишимиз лозим.

Иккинчидан, минтақадаги бошқа давлатлар билан бўлган иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда Президент Ислон Каримовнинг роли муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг давлат ва сиёсий фаолиятида асосий эътиборни барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ҳамда сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратади, — деб яқунлайди ўз шарҳини америкалик олим.

«Жаҳон» А.А.

**РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ
ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни
уйғониш, яшариш,
янгилашиш, нафосат ва
эзгулик байрами
Наврўзи олам
билан чин кўнгилдан
самимий табриклайди.
Диёримизга тинчлик ва
омонлик, дастурхонимизга
тўкинлик ва барака,
халқимизга эса саломатлик
ва энг саодатли кунларни
тилаб қоламиз.

**Наврўз байрамингиз
муборак бўлсин, азиз
ҳамшаҳарлар!**

«ЁШИЛИК»

**талабалар шаҳарчаси
ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни меҳр-мурувват,
саховат ва эзгулик айёми ҳисобланмиш*

Наврўзи олам


билан чин кўнгилдан самимий табриклайди.

*Мустақиллик кўёми узра халқимиз тинч ва
осуда ҳаёт кечирishiни, дастурхонимизнинг*

тўкин ва баракали бўлишини, ёшларимиз оқил

ва солиҳ инсонлар бўлиб калмага етишини

тилаб қолади.



**Наврўзингиз қутлуғ
бўлсин, азизлар!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИНО, СУРАТ ВА ОВОЗЛИ
ҲУЖЖАТЛАР МАРКАЗИ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ**

*ўзининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига тайёргарлик
кўраётган пойтахтимиз аҳлини*

яшариш ва янгиланиш рамзи ҳисобланмиш

НАВРЎЗ БАЙРАМИ билан энг эзгу
тилақларни изҳор этган ҳолда
қутлайди. Ушбу шуқуҳли
кунларда барча ўйлаган
ниятларингиз ижобат бўлишига
тилақдошимиз.



ҚАДРИ ҲАМШАҲАРЛАР,

ҲУР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЁШИЛИК-ҚИЗЛАРИ!

Барганизни яшариш ва янгиланиш айёми

**Наврўзи
олам**

шоднёналари билан самимий табриклаймиз.

Қўнмлар баҳор ҳавосидан шодликка тўлган

кундаги барча ширин орзу-ниятларингиз ижобат


бўлсин. Ҳаётингиз бахт ва қувонгга тўлиқ бўлсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

Қадрли юртоқиларимизни гўзал
бахор, табиатнинг уйғониши,
яшнаш ва яшарлиш, меҳр-оқибат,
саховат, дўстлик, биродарлик,
байрами - Наврўз айёми билан
самимий муборакбод этади.
Сизларга мустақкам соғлиқ,
оилавий бахт, хонадонларингизга
файзу барака тилаймиз.



БОҒИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Наврўзи олам

барчамизга омонлик, соғлиқ, бахт ва
омад олиб келсин. Ўзбек хонадонда
доимо ёр-ёрлару болажонларнинг шўх-
шодон кулгилари жаранглаб турсин.



УЧТЕПА ТУМАНИ МИЛЛИЙ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ!

Хурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар
ва ҳамкасблар!

«Ипотекабанк» Сизларни

Наврўз байрами

билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,

фаровонлик, қувонч, баҳорий

кайфият, Ватанимиз равнақи,

юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги

йўлида амалга ошираётган

ишларингизда ривож тилайди.

«Ипотекабанк» барча турдаги банк
хизматларини кўрсатади ва банк
хизматидан қулай фойдаланишга
имконият яратган ҳолда молия оламида
мўлжал олишга, маблағингизни унумли
сармояларга жойлаштиришга ёрдам беради.



ИПОТЕКА БАНК

www.ipotekabank.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба

ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00

гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон:

233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз:

Матбуотчилар

кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Эзгулик ва яқинлиқ айёми —

Наврўзи олам

тантаналари билан

барчангизни

муборакбод этамиз.



Дастурхонингиз тўкин,
соғлигингиз мустақкам бўлсин,
элимиз дастурхонига фойз-барака
киритаётган тадбиркорларимизнинг
ишлари доимо бароридан келсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»
УЎШИМАСИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарларимизни

Наврўз байрами билан

қутлаб, фарога тинчлик

хотиржамлик тилайди.

Доимо соғ, олой бўлинг.



МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Қалбларимизга олам-олам завқ улашиб
кириб келаётган шукуҳли айём —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

сизларга муборак бўлсин!

Яшариш, яшнатиш, эзгулик

ва меҳр-оқибат шодиёнаси

хонадонларингизга бахт-саодат,

тўкин ризқ-рўз олиб кирсин.

Байрамингиз билан, азизлар!



UZBEKTELECOM

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I»
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

«БЕКТЕМИР-СПИРТ»

очиқ акционерлик жамияти жамоаси

сизларни умумхалқ байрами,

меҳр-оқибат айёми

— НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин юракдан самимий тадриклайди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги
ишларингизда ҳамisha эзгу ниятларингиз
хамроҳ бўлсин. Кўркам кўклам кайфияти
дилларингизни асло тарк этмасин!



Азиз тошкентликлар, пойтахтимиз меҳмонлари,
пиру бадавлат отахону онахонлар ва ёшлар!



Барчангизни Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси
Тошкент шаҳар бўлими жамоаси кириб келаётган
янгилигини ва баҳор байрами —

Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи ва гуллаб-яшнаши, иқтисодий,
ижтимоий, маънавий йўналишлардаги салоҳиятининг тобора кўтарилиши
борасидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Халқимизнинг гурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент
шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга ҳар бир маҳалла фаоллари, барча
фуқароларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар деб ишонамиз.

Сизга, жамоангиз аъзоларига, яқинларингизга соғлиқ-саломатлик,
битмас-туганмас куч-қувват ва хайрли ишларингизда омадлар тилаймиз!

**ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ-ТОШКЕНТ
ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

«ТОШБОВОРТАЙЁРЛОВСАВДО»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

ГЎЗАЛ ВА МЕҲМОНДЎСТ ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИНИ

саховатли заминимизни яшилликка бурқаб,
барчанинг дилига сурур бахш этаётган уйғонини ва
яратиш рамзи бўлмиш **Наврўз байрами** билан
самимий қутлайди.

Дастурхонингиз тўкин бўлсин, ишларингиз
доимо бароридан келсин, азизлар!

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ
КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Қадрли юртдошларимиз ва азиз
ҳамшаҳарларимизни баҳор
ва эзгулик айёми —

Наврўз

байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ҳуш
кайфият ҳамisha ҳамроҳ бўлсин.

Йил бўйи сўлим ва баҳаво
санаторий ва курортларимизда
соғлигингизни тиклаб,
яхши ҳордиқ, чиқаринг!



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош
бошқармаси ўзининг 2200 йиллик юбилейига
тайёргарлик кўраётган барча тошкентликларни ва
пойтахтимиз меҳмонларини гўзал диёримизга кириб
келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлайди.

Ватанимиз ва она шаҳримиз янада обод ва кўркам,
ҳаётингиз қуёшдек порлоқ ва зилол сувдек тиниқ бўлсин!



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Дам олиш соатларида

ФАЙЗЛИ

ОҚШОМЛАР

Ахборот: ҳар соҳадан бир шингил

ЭНГ САХИЙ ЮЛДУЗЛАР



Кўпчилик юлдузлар улкан хайро саховатлари билан ҳам ном чиқаришади. Американинг таниқли журналларидан бири ўтган йили хайрият тадбирларида энг кўп маблағ сарфлаган юлдузлар рейтингини тузишга қарор қилди.

Parade журналі томонидан тузилган ана шу 30 кишилик рейтингнинг бошида Америка теле-шоуси етакчиси Опра Уинфри турибди. Ўтган йил давомида у хайрият сифатида каттагина маблағ – 50 миллион 200 минг доллар сарфлаган. 73 ашар-труба чолғучиси Херб Альперт иккинчи ўринни эгаллаб, муслиқий таълими ривожлантиришга 13 миллион доллар ажратган.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофазалаш ҳамда ОИТСни тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларга 11 миллион доллар миқдорда маблағни хайрият қилган Барбара Стрейзанд учинчи эгаллаган. Саховатпешаликдан ундан кейинги ўринларни Пол Ньюман (10млн. 5минг \$), Мел Гибсон (9899654 \$) эгаллашган. Машҳур Анжелина Жолли ва Брэд Питт жуфтлиги ҳам рейтингдан муносиб ўрин олган. Улар вайрон бўлган Орлеан шаҳрини қайта тиклаш ва кочқоларга ёрдам учун 8 млн. 400 минг доллар сарфлашган.

УМРИНИНГ СЎНГИ КУНИ 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЮТГАН ОДАМ

79 ёшли Дональд Питерс кўп йиллик оилавий аъёнана бўйича лотерея чиптасини сотиб олган. Уша кунининг чорбоғида ишлаб турган пайтида у юрак хуружидан тўсатдан вафот этди. Лотерея ўйини натижалари бир ойдан кейин эълон қилинди. Лекин бахтиёр марҳумнинг беваси Шарлотт Питерс ютқани ана бир ой ўтгандан кейин билиб қолди. Чунки эрининг қайғусидаги мотам кунлари чиптани сал бўлмаса ташлаб юбормоқчи бўлганди-ю, ҳар эҳтимолга қарши уни яшириб қўйганди.

“Бир нарса дейишга тилим ожиз”, — дея баёнот берган воқеани шарҳлар экан Питерс. Ютиб олган пулини нима қилмоқчи эканлиги тўғрисида саволга у ҳозирча ўзи ҳам билмаслигини айтган. “Мен ҳамиша “Корвет”ни сотиб олишни орзу қилардим, лекин уни олмасан керак. Кичикроқ машина харид қиламан. Эҳтимол казинога борарман”, — деган у.

Питерснинг уч ўғлидан бири Брайаннинг айтишича, тақдир ҳазилини муносиб баҳолаган ва хотини шунча катта пулни ютиб турган пайтида вафот этганидан жаҳли чиққан бўларди.

МИСРДА ФИРЪАВНЛАР ДАВРИДАГИ МУҲРДОР ДАҲМАСИ ТОПИЛДИ

Бельгиялик археологлар ўнлаб йиллар сахро қумлари остида қўмилиб ётган қадимги Миср даҳмасини топдиши. Reuters агентлиги янгиликлар бўлимининг ёзишича, Миср маданият вазири Фарук Хусни шу ҳақда баёнот берган.

1880 йили шведиялик мисршунос Карл Пиль фиръавн Тутмос III Менхеперра даврида муҳрдорлик қилган Аменхотеп даҳмасини топганди. Даҳма қадимий Луксор – Қохирадан жанубга қараб 600 км масофада жойлашган. Лекин кейинчалик қазилмани қум босиб, йўқолиб кетганди. Эндигина уни яна топишга муваффақ бўлинди.

Тутмос III Менхеперра (ёки Минхеперра) қадимги Миср фиръавнлари XVIII сулоласининг олтинчи фиръавни ҳисобланиб, у эрамыздан олдинги 1468 йилдан 1436 йилгача ҳукмронлик қилган. Ҳозирги замон мисршунослари уни инсоният тарихида илк машҳур жаҳонгир ва ҳарбий даҳо – “Қадимги дунё Наполеони” деб ҳисоблашади.

МИЛЛИАРДЕР МЕЙДОФФ 150 ЙИЛГА ҚАМАЛИШИ МУМКИН

Тергов таҳминига кўра, собиқ банкир Бернард Мейдофф яратган пирамидадан кўриладиган умумий зарар 50 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Молиявий пирамида яратишда айбланган америкалик Б. Мейдоффга нисбатан прокурорлар 150 йиллик турма жазоси беришни талаб қилишмоқда.

Мейдофф 11 пункти Ира Соркин ўз ҳимоясидаги мижози айбловнинг адвокат оиласи молиячининг қаллоблиги туфайли каттагина пулини йўқотгани судга маълум бўлиб қолганди. Шунга қарамай, Соркинга мижозни ҳимоя қилишга суд ружсат берди.

Ишни кўриш давомида Ира Соркин Мейдофф манфаатларини ҳимоя қила олиши масаласи ҳал этилди. Адвокат оиласи молиячининг қаллоблиги туфайли каттагина пулини йўқотгани судга маълум бўлиб қолганди. Шунга қарамай, Соркинга мижозни ҳимоя қилишга суд ружсат берди.

Жаҳон адабий меросидан

ЭЗОП МАСАЛЛАРИ

Қадимги дунёнинг машҳур масал устаси, афсонавий шахс – Эзоп масаллари минг йилликлардан бери зўр қизиқиш билан ўқиб келинади. Ўткир идрок эгасининг ҳаётий кузатишлари “оқшомлар”га ҳам маъқул бўлишига ишончимиз қомил.

БУРГУТ, ЗОҒ ВА ЧЎПОН

Бургут банд ҳарсангдан ҳайбат билан учиб келиб, бир қўзичоқни кўтариб кетди. Буни кўриб қолган зоғнинг унга ҳасади келди. Мен ҳам шундай қилмаганим, деди у ўзига ва қаттиқ қичқирганча кўйнинг устига ёпирилди. Лекин тирноқлари кўй жунига ўралашиб қолиб, жойидан кўтарила олмади.

Чўпон аҳволни сезиб қолиб, югуриб келиб, уни ушлаб олмагунча қанотларини патирлатиб тураверди. Чўпон зоғ қанотларини керси ташлаб, кечкурун уни уйига олиб бориб, болаларига берди. Болалар, бу қанақа қуш ўзи, дея оталаридан сўрай кетишди.

— Менку унинг зоғ эканини биламан-а, лекин у ўзини гўё бургут ҳис қилган бўлса керак, — деб жавоб берди чўпон.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзингдан юқорида турган кишилар билан рақобатга боришнинг фойдаси йўқ, бу фақат ташвиш келтиради ва боз устига одамларнинг кулгисига сабаб бўлади.

БУЛБУЛ ВА ҚИРҒИЙ

Булбул банд дуб шоҳида ўтириб олиб, одати бўйича берилиб сайрарди. Қорни очиб, емишга нарсаси тополмай турган қирғий уни кўриб қолди ва шу заҳоти унга ташланиб, тугиб олди.

Булбул ажали етганини билиб, ўзини қўйиб юборишини сўраб ялинди: менинг гўштин сеннинг чап ичагинга ҳам юк бўлмайди, деди у. Қорнинг очган бўлса, каттароқ қушларга ҳужум қил.

Бироқ, қирғий унга эътироз билдирди: “Мен шунчалик ақлдан озибманмики, чангалимдаги ўлжамни қўйиб юбориб, йўқ нарсанинг кетидан қувсам?”

Масаланинг маъноси: кўпроқ нарсага эришман деб, озидан воз кечадиганлардан аҳмоқ одам йўқ.

ҚАРЗДОР ОДАМ

Афинада бир киши қарздор бўлиб қолди ва эгаси қарзни сўраб келди. Аввалига қарздор пули бўлмагани учун бир оз муддат сабр қилишни сўради. Кўндирди олмаганидан

Спорт оламида
УЕФА 18 ЁШГАЧА
ФУТБОЛЧИЛАР
ТРАНСФЕРИНИ МАН
ЭТИШИ МУМКИН



Европа клублар ассоциацияси ва FIFA футболчилари қасаба уюшмаси 18 ёшга етмаган ўйинчилар халқаро трансферини таққиллаш тўғрисидаги битимни имзолашди. Бундан ташқари, дея маълум қилди “Тафсилот” интернет-нашри, ёш футболчи илк профессионал контрактини ўзини тарбиялаб етиштирган клуби билан тузиши шарт.

УЕФА президенти Мишель Platинининг 18 ёшдан кичик футболчилар трансферини ман этиш тўғрисидаги қарори Европанинг барча етакчи клублари ва лигалари қўллаб-қувватлади. Platинининг айтишича, ёш бўйича чеклов Европа клубларига пулланадиган Африка ва Лотин Америкаси ёш тўпсураблари оқимини қамайтириш учун ҳам зарурдир.

УЕФА баёнотида, шунингдек, Европа ва унинг чегарасида 18 ёшгача бўлган ўйинчиларнинг кўчиб ўтишини таққиллаш кераклигига барча манфаатдор томонлар рози бўлгани билдирилади. Ушбу қондани жорий этиш эндиликда Европа Иттифоқи позициясига боғлиқ. Чунки амалдаги қонунчиликка мувофиқ Европада ишчи кучлари миграциясига 16 ёшдан ружсат этилган.

Америка олимлари эркаклар ва аёллар бош миаялари фаоллигини таҳлил қилиб гўзалликни идрок этишда улар миаяларнинг турли яримшарларидан фойдаланишларини аниқлашди. Бунинг устига, ҳаётимиз гулла-рининг миаялари мазкур ҳолатда фаолроқ ишлаб бошлаши маълум бўлган. Борлиқни ҳис этишда ирсий фарқларни инсоният томонидан нисбатан ақин даврларда ўзлаштирилганига қарамай, аҳдоқларимиз ўртасида ўзаро меҳнат тақсимоли айнан шунга асосланган.

Калифорния университети олимлари олиб борган тадқиқотлар натижалари, нима гўзалу, нима хунук эканини ҳал этишда эркаклар ва аёллар миаяларининг турли яримшарларини ишга солишларини кўрсатган. Масалан, суратларни томоша қилишда аёллар миаясининг ҳар икки ярим шарлари ишлаша, эркаклар миаясининг фақат ўнг ярим шарини ҳаракатга келди.

Илмий иш муаллифи Франсиско Айалнинг сўзларига қараганда, деб ёзади The Guardian, бундай фарқларни эркаклар ва аёллар миаяларининг мажорий ахборотларни ўзлаштиришларидаги фарқ билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотларда ўнладан аёл ва эркак катнашишган. Улар шаҳар пейзажи, Италиянинг Капри ороли манзараларини акс эттирган расмини ва XIX аср мўйқалам устасининг асарини кўздан кечириб, улар гўзаллигига ўз баҳоларини беришлари керак эди.

Мазкур вазифини бажаришда олимлар функционал магнит-резонанс томографияси ёрдамида синевдан ўтаётганлар миаялари фаоллигини назорат қилиб боришди. Ушбу усул нейронлар оралмида электр қуввати ҳосил қиладиган магнит майдонларини кузатиб, миаянинг қайси қисмлари шу пайтда фаолроқ ишлашини аниқлаш имконини берди.

Натижада “гўзаллик”ни ҳис этишда одамларда фақат ташқи



Фан янгиликлари

ГўЗАЛЛИКНИ ЭРКАКЛАРДАН КўРА АЁЛЛАР КўПРОҚ ҚАДРЛАШАДИ

кўриш сезгилари ишлаб қолмай, ички жараёнлар ҳам қўшилиши маълум бўлди. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам тасвирларни томоша қилишда кўпроқ фаоллик бош миая қобилиги тала қисмига тўғри келиши кузатилди. Бунда миаянинг тасвирларни сезиши учун таҳминан 3 минг миллисония керак бўлган. Бу кечикиш фаоллик чўққиси тасвирни бевосита сезиб билан эмас, балки айнан “санъатшунослик” қарорини қабул қилиш билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Айнан шу сабабга кўра, аёллар хариталарни ўқишга қийна-лишса, эркаклар майда нарсаларни бурунларининг тағдидан ҳам топа олмайдилар. Бунда гап турли жинс вакилларининг инсоният эволюциясидаги турлича роли билан боғлиқ, деб ёзади,

Daily Telegraph. Эркаклар овга чиқиб, ўлжалар келтиришга мажбур бўлганлари учун югур-югур машқини олишган. Аёллар егу-моша қилишда кўпроқ фаоллик бош миая қобилиги тала қисмига тўғри келиши кузатилди. Бунда миаянинг тасвирларни сезиши учун таҳминан 3 минг миллисония керак бўлган. Бу кечикиш фаоллик чўққиси тасвирни бевосита сезиб билан эмас, балки айнан “санъатшунослик” қарорини қабул қилиш билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Агар эркакларга масофадан туриб қарашлар стратегияси ва асосий йўналишларни белгилашлари керак бўлса, аёллар мўлжалдаги нарсаларнинг бир нимадан “чапроқ” ёки “ўнроқ” да жойлашшини эслаб қолишлари керак бўлган, дея изохланади эволюцион тенденция тадқиқот ишида. Яъни миаянинг чап қисми биринчи навбатда объек-тларнинг “тартибга солиниши”га жавоб берса, ўнг қисми мувофиқлаштириш вазифаларини яхшироқ удралайди.

кейин боқиб қўйган чўққасини бозорга олиб чиқиб, қарз берган киши олдида уни сотишга аҳд қилди.

Харидор келиб, жонивор қанчалик сернаслигини суриштирди. “Жуда сернасл, жавоб қилди қарздор одам, у болалайдики, шундай болалайдики, кўзларингга ишонмай қолсан: Мистерия байрамга ургочи чўққачаларни туғиб берса, Панафинея айёмига қобончаларни ҳада этади”.

Харидор бу гаплардан ҳайрон бўлиб турганди, қарз берган киши унга шундай деди: “Нега ҳайрон бўласан? Ҳали шошмай тур Дионисий кунига улоқчалар ҳам ҳада қилади”.

Қиссадан ҳисса: кўпгина кишилар ўз манфаатларини кўзлаб, ҳар қандай уйдирма гапни ёлгон қасам билан тасдиқлашга тайёр туришади.



Бу ажиб дунё



ХИДДИНК:
ЧЕМПИОНЛАР
ЛИГАСИДАГИ ҒАЛАБА
— УСТУВОР ВАЗИФА

Бир йўла “икки кўёни овлашга киришган” Гус Хиддинк – 2008/2009 йилги мавсумда янги жамоаси – “Челси”нинг Чемпионлар лигасидаги ғалабасини таъминлашни ўзининг устувор вазифаси, деб эълон қилган. Англия премьер-лигаси ва Чемпионлар лигаси кубогини ўн кўрашлардаги кетма-кет беш ўйиндаги ғалаба ва икки ўйин натижасига кўра, “Ювентус”ни доғда қолдириши Хиддинк ўз гапининг устидан чиқиш учун жиддий киришганидан далолат беради.

“Премьер-лигада энгиб чиқиш жуда мураккаб, дейди бош мураббий, лекин математик ҳисоб-китобда имкониятларимиз йўқ эмас (ҳозир турнир етакчиси билан “Челси” ўртасидаги фарқ 10 очко-ни ташкил этади). Айни пайтда Чемпионлар лигасидаги голиблик марраси яқинроқ ва охирабодек ўзига тортади”, — дея таъкидлаган Хиддинк.

“Ювентус” билан ўрашувлардан олдин у: “Ушбу турнирда ҳамиша голиблардан кўра мағлублар кўп бўлади, унда жуда қучли жамоалар жамланган. Бинобарин, фақат “Ювентус”нинг ўзини энгитиши ҳам муваффақият деса бўлади.

Мабодо, бунинг уддасидан чиқа олсак, май ойи финали биз учун анча яқинлашиб қолади”. Гус Хиддинк 1988 йили Голландиянинг “Эйндховен” ПСВ жамоаси билан Чемпионлар кубогини кўлга киритган.

— Бунга икки бор эришиш – менинг бошқа бир орзум. (Чемпионлар лигасида) ғалаба йўли жуда машаққатли, аммо гоёт жозибадор ва ҳамиша ўзининг синаб кўриш иштиғи фақат олдин-гундайди, — деган 62 яшар мураббий Гус Хиддинк.

ВИТАЛИЙ КЛИЧКО
ВАЛУЕВГА ҚАРШИ
РИНГТА ЧИҚАДИ

Энг оғир вазнда WBC чемпиони Виталий Кличко ўз увновини ҳимоя қилиш учун Хуан Карлос Гомес билан мажбурий жангидан сўнг WBA тождори Николай Валув билан жангга чиқмоқчи. WBC Виталийдан Олег Маскаев билан рингга чиқишни талаб қилаётганига қарамай, у бундай қарорни қабул қилган.

“Фикримча, Маскаев нимади хохлаётган бўлса — ўшани қилиши мумкин, мен эса, кўнглимда борини айтаман, — Кличко сўзларини келтирибди allboxing.ru. — Менга Маскаев билан жангнинг қизиғи йўқ. Боз устига, мазкур жанг бокс муҳлисига ҳам мақбул эмас. Бокс — бу бизнес ва буни тушуниш керак. Ака-ука Кличколар кўлга киритмаган ягона чемпионлик увнови — Николай Валув увновидир. Ўйлайманки, у билан мен шу йилнинг ўзида ўрашаман ва Владимир билан бирга энг оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони увноларни оиламизда тўлиқ тўпланиши учун кўнлимдан келганини қиламан.”

Ака-ука Кличколар менежери Берндт Бёнте яқинда Гомесга қарши жангдан кейин Виталий истикболли америкалик чарм қўлоқ устаси Крис Арреола ёки британиялик Дэвид Ёйл билан рингга чиқишни мўлжаллаётганини билдирган.

Фойдали
маслаҳатлар

СУПЕРМАРКЕТ
МУҲОБИРЛИКЛАРИГА
ҚУШЁР БЎЛИНГ

Харидингизга ортиқча пул тўлаб юбормаслик учун нималарга эътибор бериш керак? Агар ҳафтасига бир марта супермаркетга борадиган бўлсангиз, ҳар гал чекдаги пул миқдори тинмай охиб бораверса, бу ҳол ҳамиша ҳам нархларнинг кўтарилиб бораётганини билдирамайди.

Эҳтимол, дўкнодагилар қонун нуқтаи назаридан беозор ёки унчалик ҳам тўри бўлмаган усуллар билан пулингизни “туя қилаётган” шу усуллардан баъзилари билан бизни таништири-миз.

Маҳсул нарх (“маҳсул тақлиф”, “маҳсул тақдимими”) — одатда кишини қизиқтириб қўядиган бундай эълонли тахтача тоқчаларнинг энг кўзга кўринарли ерига жойлаштирилади. Бу ердаги муҳомбирлик шундаки, аслида бу нарх сотиладиган маҳсулотнинг фақат бир турига (айтайлик фақат апельсин шарбати ёки тирноқлар учун ялтироқ аттирланг локка) тааллуқли бўлади. Қизиқиб қолган харидорлар кўп ҳам қараб ўтирмай, аслида икки баравар қиммат турадиган олма шарбатинини ёки тўқ қизил लोकими — турваларига солиб олаверишади.

Гўшт ўрнига — ах. Музлатилган маҳсулотларни харид қилишда бўлақларга диққат билан қараган — кўпинча балиқ ёки гўштининг ярми аслида яҳдан иборат бўлиши мумкин (шундай текшириш ўтказилганда 660 грамм музлатилган балиқнинг 320 грамми яҳдан иборат бўлиб чиққан).

Қадоқланган маҳсулот вази. Кейинги пайтларда авваллари 1 кг. дан қадоқлаб келинган қанд, ун, крупа ва ҳокзоларнинг вази “енгиллашиб”, 900 ёки ҳатто 850 грамм бўлиб қолганини кузати-тиш мумкин. Айни пайтда қадоқланган пакет этикеткалари олдингидай қолиб, нархлар пасайма-ган. Бунда қўйидаги қондага амал қилинг: дўкнонинг ўзида қадоқланган маҳсулотларни харид қилишда улар вазини қайта текшириб кўринг (қонун бўйича назорат тарозуларни ҳамма ерда бўлиши керак) — баъзан уларнинг амалдаги фарқи 50 дан 200 граммгача бориши мумкин.

Нарх кўрсаткичлардаги баҳо касса аппарата-тида уриб беришдан чекдан фарқланади. Масалан, нархи 1000 сўм ёзилган бир пакет сут олсангиз, кассир уриб берган чекда унинг нархи 1200 сўм бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун берилган чекини диққат билан текширинг: нарх кўрсаткич билан тўлаган пулингиз бир-бирига мос келадими?

“Нарх кўрсаткич у ер-бу ерга тушиб кетган”. Бу усул Фарбдан бизга келган дейишади: иккита арзонроқ маҳсулот орасига битта нархи кўрсатилмаган қимматроғи қўйилади. Психологларнинг тушунтиришларича, бунда харидор “қатордаги ҳаммаси ҳам шу нархда бўлса керак деб, беихтиёр халтасига қолади. Таассуфки, бундай эмас. Ҳисоб-китоб вақтида эса, олганни қайтаришга урласиз.

Чек уришдаги гирромлик. Мазкур “хийла” кассада иш беради. Харидор бир нечага айнан бир хил маҳсулотга (айтайлик, уч пакет сутга) ҳақ тўлаётганда, сотувчи гўё “янгилишиб”, штрихкодни битта ортиқча чиқариб юборади. Чекда сут дейилган жойда 3 ўрнига 4 рақами пайдо бўлиб қолади (шуни ҳам айтиш керакики, баъзи супермаркетларда ҳар бир маҳсулот учун алоҳида чек уриш қондасига амал қилмай, кассада ташқарида ҳисоблаб, умумий чек бериш одати ҳам бор).

Ҳўш,бундай ҳолларда нима қилиш керак? Кассадаги нарх ваъда қилингандан фарқланса, жим кетаверманг! Сотувчи сизга молни нархқўрсаткичдаги баҳолар бўйича сотиши керак — гарчи у амалдагисидан настрок бўлган тақдирда ҳам. Бундай ҳолларда нархқўрсаткичдаги баҳонини фотосуратга тушириб (акс ҳолда жанжалдан кейин дарҳол уни олиб ёки ўзгартириб қўйишлари мумкин), кейин маъмури чакиртиринг. У муаммони ҳал этишга мажбур: маҳсулотни сизга арзонроқ нархда сотадими, фарқ ўрнини қоплайдими ёки, нари борса, сизга пулни қайтариб, маҳсулотни олиб қоладими — бу маъмурининг иши.

Шундай бўлмаса, директор номинга икки нусхада шикоят ёзиб, ҳудудий назорат органларига, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига муурожаат этишингиз мумкин.


Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

АЗИЗ ЮРТИДОШЛАР, ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни оламини гўзаллигу шодликка тўлдириб қутлуғ қадамлари ила ўлкамизга ташриф буюраётган яратишу яшнатиш рамзи —



Наврўзи олам байрами билан сиймимий муборакбод этамиз.



Қалбларингиз қувончга тўлиқ, хонадонларингиз доимо нурафшон бўлсин. Баҳорий хуш кайфият сизларни асло тарк этмасин!

«ЎЗДАЭНЕРГОНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Азим пойтахтимиз аҳли, қадрли меҳмонлар ва келажагимиз эгалари бўлмиш жисмонан ва маънан баркамол ёшларни эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тимсоли бўлган **НАВРЎЗИ олам билан чин дилдан муборакбод этади.**



Ҳамиша осмонимиз тинч, юртимиз обод, бошлаган ҳар бир ишимиз ютуқ ва омадларга тўлиқ бўлсин.

Ёшларингиз спортда бундан-да катта ютуқларга эришиб, мустаким Ўзбекистонимиз чемпионлар юртига айлансин

Байрам дастурхони

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ БАЙРАМ ДАСТУРХОНЛАРИ ТЎКИН ВА РАНГ-БАРАНГ БЎЛИШИ МАҚСАДИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ТАДБИРКОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИГА МУНОСИБ ТУҲФАЛАР ҲОЗИРЛАШДИ. БУ АЛБАТТА, ШАҲРИМИЗ АҲЛИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ ХУШНУД ЭТАДИ.

ШИРИНЛИКЛАР ТОРТИҚ ЭТАДИ



«Нектар» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган қандолатчилик маҳсулотлари нафақат таъми ва сифати, балки харидор дид ҳамда эҳтиёжга яраша қадокланиши билан ҳам ажралиб туради. 15 нафар қандолатчи меҳнат қилаётган ушбу жамоа аъзолари Германиядан келтирилган ишлаб чиқариш ва қадоклаш линиялари билан жиҳозланган. Шу боис ҳам хорижий дастгоҳларда ишлаётган малакали қандолатчиларнинг меҳнатлари самара бермоқда.

ИШТАХАНГИЗНИ ОЧАДИ

Бугунги кунда «TEGEN» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилган қолбаса, сосиска ярим тайёр маҳсулотлар майонез, кетчуп ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг тури 100 хилдан ортиб кетган. 1997 йилдан бунён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «TEGEN» компанияси маҳсулотларининг ички бозорда ўз ўрни бор.



Корхона шехлари Германия технология линиялари билан жиҳозланган бўлиб, тадбиркорлар Россиянинг илғор технологияларини қўллаган ҳолда йилдан-йилга маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда, сифати ҳамда қадокланишига бозорни ўрганган ҳолда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Энг асосийси эса маҳсулотларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланишмоқда.

— Барча маҳсулотларимизни бозорни тинмай ўрганган ҳолда яратамиз, — дейди маркетинг бўлими ходими Инна Эм. — Жорий йилнинг ўтган ойларида ҳам бир неча турдаги қолбаса ва гўшт маҳсулотларимизни истеъмолчиларга тортиқ этдик. Қутлуғ байрам арафасида эса янги маҳсулот — дудланган пишлоқли қолбаса ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шунингдек, маҳсулотларимизни қадоклашга эътиборни кучайтирдик.

ЛАЗЗАТИДАН БАҲРА ОЛИНГ

Салқин ичимликлар ва лаззатли шарбатлар байрам дастурхонининг файзини янада оширади. Шу боис ҳам пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси тадбиркорлари замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган лаззатбахш табиий шарбатлари билан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини хушнуд этишади.

Жорий йилдан бошлаб корхонада тайёрланаётган табиий шарбатлар янги линиялар асосида қадокланмоқда. Сифати, қадокланишига ва қадоклаш идишлари дизайнига алоҳида эътибор қаратилаётган 11 турдаги шарбатлар юртимизда етиштирилаётган мева ҳамда सबзавотларни қайта ишлаш асосида тайёрланади.

— Янги усулда қадокланаётган шарбатларимиз байрам дастурхонини, албатта беэҳтиёт ва истеъмолчиларга лаззат бағишлайди, — дейди корхона директори ўринбосари Аскар Исмоилов. — Юксак сифатли маҳсулотларимиз халқаро сифат сертификатига тўла жавоб беради. Наврўзи оламда ўз маҳсулотларимиздан кексаю ёш бирдай баҳраманд бўлишни тилаймиз.

Шарофат БАХРОМОВА

БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ТУРЛИ НОДАВЛАТ, НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТ ВА ЖАМҒАРМАЛАР ҲАМ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ ЭЛУ ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛИШМОҚДА. ШУЛАРДАН БИРИ ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИДИР.

Жамғармалар фаолиятдан

ХАЙРЛИ МАҚСАД САРИ ИНТИЛАМИЗ

Жамғарма фаолиятига назар ташлаб, ўтган йилда бирмунча салмоқли ишлар амалга оширилганига ғувоҳ бўлдик. Жумладан жамғарма томонидан ўтган вақт давомида маҳаллаларда истиқомат қилаётган кекса, ногирон, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оила-юртларни қўллаб-қувватлаш, имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Масалан жамғарма ва Чустий маҳалласи ҳамкорлигида «Регистон» ресторанида ўтказилган катта тадбир ҳам айнан инсонлар кўнглини кўтариш ва беминнат ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди. Чиройли байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чойга шаҳримизнинг кекса, нуру-

ний отахону онахонлари, ёрдамга муҳтож оилалардан 230 нафари тақдир этилди. Йилгиллар бахорнинг тансиқ таъми бўлган сумалак, кўк сомсалардан тановул қилиб дилдан сўхбат қуришди. Шунингдек тадбирда Чустий маҳалласининг 70 ёшга кирган кексаларга эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари энг ибратли уй бошқарувчиси, энг чиройли ва озода йўлакбошичи ва фаол ишлаётган ширкат раисига Фаҳрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди.

ҚАТРАЛАР

МУҚАДДАС БУРЧ

Аҳмад сигирни узокроқ жойга олиб боришга эриниб, яқинроқдаги бедада боқди. Коринини қаппайтириб тўйгазди. Онаси тирсиллаган елинидан бир пақир сўт соғиб олди-да, ўлғига: — Утли жойларни топиб боқибсан. Кўп сўт берди, — деди чиройини очиб. — Йўлнинг четида бедозор бор-у, эгасига билдирмай тўйгунча боқдим, — мактанди Аҳмад. — Вой шўрим... — Онанининг ранги ўзгариб тундлашди. — Сўтда бизнинг ҳаққимиз йўқ. Дарров беданинг эгасига элтиб бер. — Эгаси кўрмади, онажон. — Барибир, Оллоҳ кўриб турибди. Аҳмад шошилиб беда эгасига рўбарў бўларкан: — Сигиримни бедангизда боқувдим. Узр, болалик қилибман. Онам мени уришдилар. Мана бу сўт сизнинг ҳаққингиз йўқ. Дарров беданинг эгасига элтиб бер. — Эгаси кўрмади, онажон. — Барибир, Оллоҳ кўриб турибди. Аҳмад шошилиб беда эгасига рўбарў бўларкан: — Сигиримни бедангизда боқувдим. Узр, болалик қилибман. Онам мени уришдилар. Мана бу сўт сизнинг ҳаққингиз йўқ. Дарров беданинг эгасига элтиб бер.

ҚАТРАЛАР

ХАЁТНИНГ ПАСТУ БАЛАНДАРИ

Ёш она энди атак-чечак юраётган мурғак гўдагини сўкмоқ йўлдан авайлаб етаклаб бораёпти. — Секин юр, йиқилма, — дейди жондан куюниб она. — Тўғри юр, текис жойдан юр, қоқилиб йиқилсан, — деб яна йўл кўрсатиб боласини етаклайди она. Мурғак «йиқилиш», «қоқилиш», «тўғри юриш», «текис жой»ни билмайди, апил-тапил, алғов-далгов, қингирқийишқ оёқ ташлаб, фақат олға юришга ҳаракат қилади, қаергадир шошаётгандек куч-ғайрат билан югурмоқчи бўлади. Бундан онажонининг жони ҳалак, «Болажоним йиқилмасин» деб икки қўли билан гўдагига парвона-у, парижон талпинилади. Она боласининг йиқилмай юриб улгайишига куюниб, инсоният ҳаётини узайтиришни, одамлар қаторига яна бир одамни қўшишга жонини жабборча бераёпти. Она ҳаётни яратувчи, у қалб куёши билан инсониятга жон бахш этиб туради. ...Худди шу пайтда, Ер юзининг қаеригадир уруш бораёпти. Буюк она жон ато этиб, не машаққатлар билан куюниб камолга етказган фарзандини бошқа биров худди шу жойда ётиб ҳалак қиляпти. Бир-бирига ҳеч ёмонлик қилмаган одам болалари бир-бирларига ўқ узиб, қон тўқяпти. Эҳ, одамзод, бу қандай бедодлик. Бири боқиб ўстирганини бошқаси йўқотса, бу қандай бўлди?

Фани АБДУЛЛАЕВ

ши мақсадида 2000 га яқин дарахтлар, 5000 га яқин гуллар, 70 та арча кўчати экилди. Маҳалла ичидаги 2300 погон метр ички кўчаларнинг янгитдан асфальтланишига ҳомийлик қилинди.

— Бундай тадбирлар ҳар бир шонли сана, Мустақиллик, Наврўз айёмлари ва ҳайит байрамларида мунтазам ўтказилиб келинади, — дейди биз билан сўхбатда Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Калон Шодиев. — Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мустаким юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларда фаол қатнашиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бевосита ҳисса қўшишга интилиб келмоқдамиз. Мақсадимиз инсон кадр-қиммати улугланиб келинаётган юрtdа ҳеч ким безътибор қолмаслиги, меҳнат қилган элда азиз эканига эътиборни қаратиш, ҳаётда ёлғизланиб қолган инсонларни имкон қадар қўллаб-қувватлашдир.

Дарҳақиқат, инсон кўнглини кўтаришдан ортиқ савоб иш йўқ бу дунёда. Ҳар биримизга мана шундай хайрли ишлар бошида туриш насиб этсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Баҳор даракчилари

БОЙЧЕЧАК

ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗГАЧА ГАШИ ВА ФАЗИЛАТИ БЎЛАДИ. ЭРТА БАҲОРНИНГ ИЛИҚ НАФАСИ ФАҚАТГИНА ОДАМ ҚОНИНИ МАВЖЛАНТИРИБ ҚОЛМАСДАН ҲАЁТ НАШИДАСИГА ТАЛПИНТИРАДИ, ДИЛНИ РАВШАНЛАНТИРИВЧИ ТАРОВАТИ ВА ДАРДГА МАЛҲАМ БЎЛУВЧИ САҲОВАТИ БИЛАН АЗИЗЛАНАДИ.

Биз киш бўйи соғиниб кутган баҳор дарақчиларидан бири бойчечак ҳисобланади. Эндигина тупроқдан сергақлиб чиққан ушқунча кўклик чечакни кўрган болалар беҳад хурсанд бўлишиб, қувончлари оламга сиғмай кетади. Бойчечакни кўрган катта кишиларнинг ҳам дилида илиқ бир навида уйғонади. Бойчечак кўп йиллик ўсимликлар тоифасидан. Унинг ер остида пиёзбошиси бўлади. Ўсимлиқнинг яхлит чизиксимон барглари оч ва тим яшил туси билан жозибали кўринишга эга. Бойчечакнинг узун баргсиз поячаси устида нуқрасифат ёки заъфарон рангли гули гўё «қуллук» қилгандек эгилиб туради. Ўсимлик март ойининг бошларида гуллайди.

Урта Осиёнинг Помир-Олоё ва Тянь-шан тоғ этакларида кўллаб учрайди. Чечакнинг пиёзбошида алкалоид тулипин ва салцилат кислотаси бор. Халқ табиоти амалийотида ўсимлик пиёзбошиси майдаланиб озо-оздан бод, беданининг қақшаб оғриши ва юрак касалликларида истеъмол қилинади. Тиббиёт оламида Воронов бойчечакни ўз таркибида мавжуд бўлган доривор омиллари билан жуда қадрлайди. Мазкур турдаги бойчечакнинг пиёзбошисида 0,5-1, 38 фоизгача алкалоидлар бўлади. Алкалоид жамламасидан галантамин, ликорин, галантин ва бошқа моддалар ажратиб олинган. Бу турдаги бойчечакдан ноёб галантамин препарати олинади.

Табиятда бойчечакнинг совринжон номи билан юритиладигани ҳам учрайди. У Урта Осиёнинг Қорақум ва Қизилқум чўлларида ўсиб, бўйи 30 сантиметр атрофида, тухумсимон пиёзбошиси эса 3-4 сантиметр кенликда бўлади. Бойчечакнинг бу турининг гуллари шингил ҳосил қилиб, кўриниши оқ ёхуд пуштиранг тусли бўлади. Совринжон айна илк баҳор — март ойида гуллари ни намоиш этади. Халқ табиотида совринжоннинг пиёзбошиси беланги, бод, қоқшоқ ва юрак касалликларида майдалаб истеъмол қилинади.

Баҳор элчиси ҳисобланиши бойчечакларни юлмайлик, у ҳам ноёб ўсимликлар қаторига кириб қолмасин!

Дано ХЎЖАЕВА, олий тоифали дорилуносо

ОЗ-ОЗ ЎЛТАНИБ ДОМО БЎЛУВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Йигитликда хунар ўрган, қариликда ўйинқароқликдан йироқ бўл.

Бировнинг гуноҳини кечган бўлсанг, буни айбга буюргувчи бўлма.

Хар кимнинг феъли аслидан намоёндыр, Зероки, гул хид тортади,

Хамиша яхшилик қилишга тириш, Чунки яхшилик ёмонликка қалқондыр.

Осмонга тош отманг зинҳор, қайтиб ўз бошингизга тушмоғи бор.

Эр киши учун нодон фарзанду нопок хотиндан оғир ғам-ҳасрат йўқ.

Кексаю дардманд устидан кулгучи бўлманг.

Кечаги кун кеча, уни қайтиб келади, деб ўйлама.

Бадфеъллик сен учун душманингдан зиёда душмандир.

Амали ва сўзи пок одамгина «яхши» деган номга лойиқдыр.

Шоду хунарманд одам энг омадли одамдыр.

Катталарнинг кичикларга айтган ёлгон гапи тоғдан ҳам оғирдыр.

Рухингга дониш раҳбар бўлса, хирад жаҳон тожидаги гавҳардыр.

Йигит доно дили оқил бўлса ҳам кексадан панд олмоғи зарур.

Давлатим муқим бўлсин десанг, адолат ва дониш билан ҳукм сур.

Аслингга зарар етадиган ишга қўл урма.

Ўғилни илмли қилишга тириш, унга ўқиш-ёзиш ўргат, хунар билсин.

Наврўз нашидаси

БАЙРАМ ДАСТУРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

СЎЛИМ БАҲОРНИНГ УШБУ ФАРАХБАХШ КУНЛАРИДА ШАҲРИМИЗНИНГ ҚАЙ БИР ГЎШАСИГА БОРМАНГ, ҚҮВОНЧУ ШОДЛИК ҲУКМ СУРАЁТГАНИ, СУМАЛАКУ МИЛЛИЙ КЎШИҚЛАР ИЛА НАВРЎЗИ ОЛАМ ТАНТАНАЛАРИНИНГ НИШОНЛАНЎТГАНЛИГИНИ КЎРАСИЗ. АЙНИКСА, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТМОҚДА.

Ҳамза туманидаги «Ширинтой» номли 416-мактабгача таълим муассасасида ҳам Наврўз байрамига бағишланган эрталик ўзига хос тарзда ўтди.

Миллий одатимизга кўра жарчи бола барча меҳмонларни қарнай садолари остида даврага чорлади.


Меҳмонлар муассаса тарбиячилари ва болалар томонидан тайёрланган ранг-баранг байрам дастури мириқиб томоша қилишди.



Наврўз байрами тадбири сўнггида И.Юнусов номли маҳалла фуқаролари йиғини раиси А.Абдувалиев болажонларга маҳалла томонидан ажратилган совғаларни тўхфа этди.



(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманидаги 416-МТМда бўлиб ўтган Наврўз байрамидан лавҳалар



КЎЗГУДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Кўргазманинг очилиш маъносида сўзга чиққан таникли рассомлар, санъатшунослар мазкур кўргазмада ўз ижодлари билан қатнашган хаваскор фотосуратчиларнинг ишларини муносиб баҳолаб, кўргазмадан ўрин олган асарларда юртимиз қишлоқлари ҳаётидаги урф-одат, анъаналар, бунёдкорлик ишларини ҳамда уларнинг она- Ватанга, тугилиб ўсган қишлоғига, ўз қадрдон маҳалласига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини яққол намоён этганликларини таъкидлаб, келгусидаги ижодларига юксак парвозлар тилалди.

Кўргазмалар

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ, ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕРОС» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ, РЕСПУБЛИКА «КАМОЛОТ» ЁИҲ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ ҲАМКОРЛИГИДА «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАБ «КЎЗГУДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» МАВЗУСИДА ҲАВАСКОР ФОТОСУРАТЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

асосида республика кўргазмасида иштирок этиш учун тавсия этилганлар. Мазкур кўргазмада 23 муаллифнинг 200 га яқин асарлари ҳавола этилган. Мамлакатимиз қишлоқларининг тарихи, табиати, маданий-маърифий тадбирлари жамланган ушбу кўргазма фото санъати борасида ижод этаётган ёшларимизнинг ўз истеъдодларини кенг тарада кўрсатиш имконини яратди.

БЎШ ИШ ҲАМКОРЛИГИДА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ, ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-26 МАРТ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЗМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ҲАМКОРЛИГИДА ЯРМАРКАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯРМАРКАДА ШАҲРИМИЗДА ФАВОЛИЯТ КЎРСАТАётган 870 та корхона-ташкilotларнинг 12 мингга яқин умумий бўш иш жойлари таклиф қилинади.

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган шодиёналар, халқ сайиллари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими фармоишига мувофиқ 2009 йил 21 март куни шаҳримизнинг қуйидаги манзиллари бўйича транспорт ҳаракати қатновининг вақтинча чекланиши ва қамайиши кўзда тутилмоқда:

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҒИЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҒИЛАР

Юнусобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси БАНД БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА Куйидаги бўш иш ўринларига таклиф этади:

«Республика Кўчаси мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳооси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда 2009 йил 28 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.